

МУГАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 1/2 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:
Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӨЛЕҰОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ
Гулнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестириўшилер:
Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз хәм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жуўан қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзіндилер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлұматларға автор жуўапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲАМ ӘДЕБИЯТ

Ibadullaev K.M. PIRLS xalqaro baholash dasturi talablari	4
Тешабоева З.С. Шакл ва мазмун ўртасидаги функционал алоқалар - сўзлар орасидаги муносабатларни ифодаловчи восита сифатида	8
Марипова Н.Х. Инновационные подходы обучению иностранному языку в неязыковых вузах	10
Ахмадалиева М.Ш. Роль литературной критики в саморазвитии писателя	14
Наримбоева Л.К. Практические аспекты формирования коммуникативного подхода в развитии языковой личности при обучении иностранному языку	17
Achilova M.S. Composition analysis of the work A.S.Chulpan	21

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ибдуллаев Қ.М. Интерактив электрон доскалар – таълим сифатини оширишнинг омилли сифатида	24
Ахмадалиев Б.С. PIRLS баҳолаш тизимида танқидий ўқиш тамойилларининг аҳамияти ..	26
Шарипова Н.Б. Ўқувчилар билан ишлаш жараёнида ноанъанавий дарсларни ташкил этиш	30
Атабоев Ф.У. Методы и формы обучения в непрерывное образование	34
Атабеков Ф.О. Коммуникативная стратегия убеждения и способы её реализации в аргументационных текстах паремий	38
Холматова С.К. Медиакомпетентность педагога как фактор развитие медиаграмотности студентов	40
Исманова М.А. Психологические свойства формирования профессиональной направленности личности педагога	44
Носирова Р.Х. Инновационные методы преподавания психологии и связь с педагогикой	48
Санакулова А.Р. Повышения качества педагогического корпуса в профессионально-ориентированное подготовке в межотраслевой интеграции	51
Ибдуллаев Қ.М. Применение компьютерных технологий в обучении географии	54
Муталова Д.А. Методы и формы обучения в непрерывное образование	57
Xidoyatova N.A. Integrative approach: important element of teaching of foreign language	62
Shonasirova Z.Yu. The role of independent works in educational process	65
Xidoyatova N.A. The psychological development of properties volitional qualities of pupils	68
Joraboyev A.B., G'anixo'jayev A.Sh. Professional training of a teacher of a new formation in the conditions of the implementation of inter-industrial integration	72

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙ, ЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Соатов Э.М. Возможности предвидение: методы и средства познания будущего	75
Ismanova M.A. Methodology of teaching history as an academic subject	79

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Турсунбоева М.Д. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий сифатларини узвийлик ва узлуқсизлик тамойили асосида босқичма-босқич шакллантириш	86
Журабов А.Б. Совершенствование информационных технологий в формировании профессиональной компетентности будущего специалиста	89
Холматова С.К. Применение информационно-коммуникационной технологии в обучение правового мышление	93
Каюмов Ж .С. Теория применение информационно-коммуникационной технологии в образовании	95
Tursunboyeva M.D. System of information and communication technologies in the education	99

БАСЛАЎШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

Хурвалиева Т.Л. Мактабгача 5-7 ёшдаги болаларни атроф олам билан таништиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш	103
Каримжанова Д.А. Мактабгача таълим муассасаларда тарбияланувчиларни ижодкорлигини ривожлантиришнинг интерактив методлари	107
Хурвалиева Т.Л., Худойбергана Ш.Б. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништиришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш	111
Abdullayeva M.D. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida ijtimoiy-huquqiy me'yorlar asosida ijtimoiy ko'nikmalarni takomillashtirish yo'llari	115
Abdullayeva M.D. Maktabgacha va kichik maktab yoshidagi bolalarni ijtimoiy-huquqiy me'yorlar bilan tanishtirish	118
Шанасирова З.Ю. Подготовка будущего учителя к преподаванию дисциплины «Окружающий мир» в начальной школе	120
Абдуллаев А.А., Эркинходжаева Г.Э. Место и роль физической культуры в общей системе воспитания детей дошкольного возраста	125
Матмуродов А.К. Повышение уровня самостоятельности на основе структуры урока труда в младших классах	129

ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ХӘМ СПОРТ

Носирова Р.Х., Рустамбекова Н.А. Соғлом турмуш тарзини яратишда ижтимоий ҳамкорлик масалалари	135
Солайдинов Э.Ш. Соғлом турмуш тарзини яратишда кўхна халқ ўйинларидан фойдаланиш йўллари	140
Хуррамов Э.Э. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда Европа мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланиш технологиялари	142
Хакимов Ш.Т. Жисмоний тарбия бўйича дарс конспектини тузиш методикаси	148
Абдуллаев А.А. Физическое воспитание в системе подготовки человека к профессиональной деятельности	154
Абдуллаев А.А. Социокультурные функции и роль физической культуры в формировании основных качеств и свойств личности	157
Gimazudinov R.G. The oretical and practical basis of badminton coach activity	160



БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕЖЕМГИ ТӘРБИЯ

МАКТАБГАЧА 5-7 ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ АТРОФ ОЛАМ БИЛАН ТАНИШТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

Хурвалиева Т.Л.

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг
“Мактабгача таълим методикаси” кафедраси доценти,
педагогика фанлари доктори (DSc)*

Таянч сўзлар: инновация, технология, абстракт, моделлаштириш, диалог, полилог, концепция, мотив, макет, дидактик, STEAM технологияси, терапия, компетенция.

Ключевые слова: инновация, технология, абстракт моделирование, диалог, полилог, концепция, мотив, макет, дидактика, технология STEAM, терапия, компетенция.

Key words: innovation, technology, abstract modeling, dialogue, polylogue, concept, motif, maket, didactics, STEAM technology, therapy, competence.

Республикамызда мактабгача ёшдаги болаларнинг атроф олам ҳақидаги тасавурларини самарали шакллантириш, таълим мазмуни, шакл ва воситаларини оптималлаштириш, педагогик жараёнларни ташкил этишнинг меъёрий асослари яратилди. “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонунда “болаларга таълим ва тарбия беришнинг муқобил шакллари яратиш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” каби устувор вазифалар белгиланган [1]. Мактабгача таълим жараёнида болаларни атроф олам билан таништириш орқали уларни мактаб таълимига сифатли тайёрлаш мазмуни ва технологиясини такомиллаштириш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Мактабгача таълимда педагогик жараёни инновацион таълим технологиялари асосида ташкил этиш болаларни мактаб таълимига тайёрлашнинг муҳим шартини саналади. Замонавий таълим технологиялар бўйича методик тавсияларни келтиришдан аввал унинг мактабгача таълим жараёнидаги инъикосига оид назарий маълумотларни келтириб ўтиш жоиз. Технологиялар нафақат таълим мазмунини ривожлантириш, балки мактабгача таълим ҳар томонлама сифатли бўлишини таъминлашда ҳам қўл келади. Ҳар қандай таълим технологияси узлуксиз таълимнинг

қайси бўғинида қўлланмасин, унинг марказида бола шахси ва унинг қизиқишлари, имкониятлари кўзда тутилиши керак.

Ривожлантирувчи таълим технологияси жараёнида муаммо яратиш болаларга мотивация беради. Абстракт тушунча конкрет тушунчага айланади, ўрганилаётган мавзуга муносабат билдиришга йўналтирилади. Ушбу технологияда моделлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мавзунини ўзлаштириш учун қулай бўлган расмлар, кўргазмаларнинг буюм ва предметларни хусусияти чизмалар билан намоён этилади. Мазкур технологияда “диалог ва полилог” тамойили устуворлик қилади. Болалар ўзаро суҳбатлашади яъни икки киши ўртасида диалог амалга ошади ва полилог шаклига ўтилади. Муаммони болалар биргалашиб ечишга ҳаракат қилади. Технологиянинг муҳим концепцияси шундаки, жамоавий яъни ўқув фаолиятининг қисми барчага тақсимланади, ҳамкорликдаги фаолиятдан, ижтимоий ҳаракат ҳамда мустақил равишда ички ҳаракатга ўтиш амалга оширилади. Бола мотивини инобатга олиш бола фаолиятини мақсадли йўналтиришга замин яратади. Боланинг билиш эҳтиёжига етакловчи ички мотиви инобатга олинади. Бир хил вазифани бажаришни бошқариш орқали болада турлича мотивлар рўй беради: ўзининг хавфсизлигини таъминлаш; тарбиячининг кўнгилни топиш; мажбурият ёки вазифани бажариш; шахсий саволига жавоб излаш кабилар. Мотивларни инобатга олиш бола фаолиятини мақсадли йўналтиришга замин яратади. Натижада, болада “Мен буни биламан, ўрганаман, ҳал қиламан” тушунчаси пайдо бўлади. Ривожлантирувчи таълим технологиясининг ўзига хос дидактик асоси мавжуд бўлиб, биринчи галда илмий билимлар тушунчаси тизими боланинг ақлий ривожланиши омили ҳисобланади.

Қуйида 6-7 ёшдаги болалар билан ўтказиладиган машғулот намуналарини келтирамиз.

Мавзу. Бизнинг боғча.

Мақсад: Болаларни геометрик шакллардан макет ясашга ўргатиш. Мустақил равишда муаммони ечиш ва моделлаштириш кўникмаларини шакллантириш.

Керакли жиҳозлар: Геометрик шакллар, лево, рангли қаламлар, картон, рангли қоғозлар, елим ва қайчи.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар кичик гуруҳларга бўлинди.
2. Мавзу бўйича макет қисми ҳар бир марказга тақсимланди (боғча биноси, боғча ҳовлиси, боғча гуруҳи).
3. Жараён давомида тарбиячи йўналтирувчи саволлар билан мурожаат қилди.
4. Болалар боғча макетини жамоа бўлиб ясади.
5. Якунловчи босқичида бажарилган ишлар ҳақида ҳисобот талаб этилди.
6. Машғулот якунида болалар ясаган макетларини ўзаро баҳолади.

Фаол болалар рағбатлантирилади.

Тадқиқот давомида STEAM технологиясидан фойдаланилди. STEAM мавзулар бўйича интеграциялашган ўқитиш тизимидир. Бунда болалар агроф оламда юз бераётган воқеалар мантигини англаб етади, уларнинг ўзаро боғлиқлигини тушунади, оламни тизимли тарзда ўрганади, жамоада ишлаш кўникмалари шаклланади. Қизиқувчанлик, муаммоли вазиятлардан чиқишни ўрганади, ўзини намоён этиш асосини ўзлаштиради. Бундай кўникмалар боланинг янги ривожланиш даражасини таъминлайди.

STEAM технологияси бу- Science, Technology, Engineering, Art and Mathematics, яъни фан, технология, инженерия, санъат ва математика маъносини англатади. STEAM таълим технологияси нафақат ўқитиш методи, балки тафаккур қилиш услу-

бидир. STEAM технологиясининг афзаллиги, у борлиқ билан яқин алоқани таъминлайди ва болаларга юқори мотивация беради.

Мавзу. Уй-рўзгор буюмлари.

Машғулот мақсади: болаларни буюмларнинг белги ва хусусиятига қўра фарқлаш ҳамда гуруҳларга ажратиш, вазифалари ҳақидаги тасаввурини кенгайтириш.

Жихоз ва материаллар: уй-рўзгор буюми (диван, стол-стул, кийим жавони, хонтахта, телевизор);(ошхона идиши-чайнак, пиёла, ликопча, чўмич, капкир, қозон, коса, пичок) сурати, ўйинчоқ, амалий машқлар учун жиҳозлар.

Фаолиятнинг бориши: Болалар 5 та гуруҳга бўлинди ва бир вақтда топшириқни бажарди. Болалар стол устига қўйилган буюмлар билан танишади. Сўнгра тарбиячи болаларни “Қурилиш ва конструкциялаш”, “Санъат”, “Тил ва нутқ”, “Фан ва табиат” марказига таклиф қилади.

SCIENCE. “Тил ва нутқ” марказида болалар билан буюмларнинг тури ва номи ҳақида суҳбат ўтказилди. Болалар уй-рўзгор буюми (диван, стол-стул, кийим жавони, хонтахта, телевизор) ва ошхона буюми (чайнак, пиёла, ликопча, чўмич, капкир, қозон, қошиқ, пичок) ва уларнинг вазифалари ва улар нимадан тайёрланганлиги ҳақида сўзлаб берди.

TECHNOLOGY. “Қурилиш ва конструкциялаш” марказида амалий машқлар бажарилди: болалар геометрик шакллардан уй-рўзгор буюми мебел ва жиҳозларни ясади; ёғоч, пластмасса ва чиннидан тайёрланган буюмларнинг номлаб, вазифаларини сўзлаб берди.

ENGINEERING. “Фан ва табиат” марказида “Уй-рўзгор буюми” мавзусидаги расмни томоша қилиб, уларни гуруҳларга ажратди. Уй жиҳози ва ошхона буюмини стол устига жойлади. Ушбу жараёнда жиҳоз ва буюмларни синиши ёки синмаслиги, қаттиқлиги, қатта-кичиклигини амалда синаб кўрди. Ошхона буюмидан фойдаланиб стол безатди. Чайнак, пиёла, ликопча ва қошиқларни жойлади. Болаларга ошхона буюми ҳақида топишмоқлар айтиш таклифи киритилди: Ўзи битта қулоғи тўртта (қозон); Қулоғи қорнида, боши йўқ (қозон); Лайлак уяда, думи зиёда (чўмич); Ўзи қатта, кичикка эгилади (чайнак); Оналари тоқчадан тушса, болалари югуриб келади (чайнак, пиёла); Лаби-лабимга тегса, оғзим қуяди (пиёла); Бир ажойиб ишхона, ичи доим қишхона (музлатгич); Ташқари ёз, дим-олов, уйчамизда муз, қиров (музлатгич).

ART. “Санъат” марказида болалар уй-рўзгор буюмини расмини чизиб, пластилин ва аппликациядан буюмлар ясади.

MATHEMATICS. “Қурилиш ва конструкциялаш” марказида уй-рўзгор буюмининг шакли ва миқдори ҳақида сўзлайди. Ранги ва тузилиши юзасидан болалар билан савол-жавоб ўтказилди. Машғулотда болалар томонидан ошхона макети яратилди, мустақил равишда буюмларни тасвирий ифодалади, ўз ғояларини амалга ошириб янгилик яратди.

Атроф олам машғулотида “Видеосаёҳат” технологиясидан фойдаланиш самара беради.

Технологиянинг бориши:

1. Тарбиячи гид ролини бажариб, тарихий шаҳарлар ҳақида видеофильм намойиш этади. Видеони маълум қисмида намойишни тўхтатиб, суҳбат олиб боради. Бу шаҳарнинг номи Бухоро. Бухоро қадимий шаҳар. Бу тарихий шаҳарларда саройлар, қаср ва баланд миноралар бор. Бобомиз Ибн Сино шу юртда туғилган.

2. Ибн Сино тиббиёт асосчиси. Турли касалликларга даво топган. Инсон соғлом бўлиши учун тозалikka риоя қилиши, қўл ва танани тоза сақлаш, вақтида овқатланиш ва ухлаш кераклигини айтган.

3. Намойиш этилган шаҳар ҳақида савол-жавоб ўтказади.

Саволлар: Бу қайси шаҳар?, У қандай шаҳар?, Баланд биноларнинг нима деб атаймиз? Бу ким? У нима деган? кабилар.

Шу тарзда ҳафта давомида қадимий шаҳарлар ва уларда яшаган буюк сиймолар ҳақида маълумот бериб борилади.

Ҳафта якунида “Видеотаҳлил” технологияси қўлланади.

1. Қисқа-қисқа лавҳалар кўрсатилади.

2. Болалар билан тезкор савол-жавоб ўтказилади.

3. Болалар ихтиёрий равишда графариетли минора (минора ичига донлар терилади) расм чизади, бўяйди, мозаика йиғади, пластилин ва аппликация тайёрлайди.

“Сюжетли-ролли ўйинлар ва драмалаштириш” марказида болалар Ибн Сино, А.Навоий, З.Бобур, Беруний сиймолари ва уларнинг ҳаёт фаолиятига оид ролларни ижро этишади.

“Видеотаҳлил” технологияси эртақлар намоишида атрофдагилар билан муносабат, инсонлар тақдир, табиатдаги ҳодисалар ҳақида маълумот бериш, ижодий ёндашувда катта аҳамиятга эга.

Ўқув-тарбиявий фаолият давомида болаларни комплекс ривожлантириш мақсадида “Терапия” технологиясидан кенг фойдаланилди. Эртақтерапия технологиясида серияли расмлар усулидан кенг фойдаланилади. 5 та ривожланиш марказларига бир эртақка оид 5 та сюжетли расм тарқатилади. Ҳар бир гуруҳ расмда ифодаланган жараёни сўзлаб беради. Сўнгра, ҳар бир гуруҳдан танланган тақдимотчи воқеа кетма-кетлигига кўра доскада ўз жойини топади.

Болаларни атроф олам билан таништиришда замонавий технологиялар ва интеграцион машғулотдан оқилона фойдаланиш орқали бўлажак бошланғич синф ўқувчиларда коммуникатив компетенция (мулоқот воситаларидан турли вазиятларда фойдалана билиш кўникмаси); ўйин компетенцияси (боланинг ўйин жараёни ва уни ташкил қилишда тажриба, билим ва кўникмалардан ижодий фойдаланиши таълимий-тарбиявий жараён учун асос ҳисобланади); ижтимоий компетенция (ҳаётий вазиятларда катталар ва ўртоқлари билан мулоқотда ахлоқ қоидалари ва меъёрига риоя қилган ҳолда ўзини тута олиш маҳорати); билиш компетенцияси (атрофдаги оламни онгли равишда идрок қилиш ва олинган билим, кўникма, малака ва қадриятлардан ўқув ва амалий топшириқларни бажариш учун фойдаланиш) шаклланганлиги кўринади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида.Т.:2019 йил 16 декабрь, ЎРҚ-595-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.12.2019 й.

2. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари. Мактабгача таълим вазирлиги МХ-1-сон буйруғи. Т.: 2018. 18 июнь.-316.

3. Зиёмухаммадов Б., Тожиёв М.. Педагогик технология-Замонавий ўзбек миллий модели. Т.: Lider Press, 2009.-104 б.

4. Монастырный Е.А. Инновационный кластер // Инновации. 2006. № 2. С. 38-43.

5. Панфилова А.П. Инновационные педагогические технологии: Активное

РЕЗЮМЕ

Мақолада болаларни атроф олам билан таништиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятлари илмий жиҳатдан баён этилган. Мактабгача таълим-тарбия жараёнида замонавий технологиялар асосида ташкил этиладиган машғулот ишланмаларидан намуналар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

Статья научно обоснована возможностями использования современных технологий для ознакомления детей с окружающим миром. Приведены примеры занятия на основе современных технологий в процессе дошкольного образования.